

EXTERNAL EXPERIENCE OF REGIONAL ECONOMIC MANAGEMENT

Sattarov Sayidmurod Abdusharipovich¹

¹Head of the Department of the “EI-Yurt Umid” Foundation under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Uzbekistan, 100047, Tashkent, Amir Temur street, 13

E-mail: r.i.nurimbetov@bk.ru

Abstract: The article compares best international best practices of regional economy management, and also examines the issues of organizing and enhancing the effectiveness of the economy in the regions of the republic, including Khorezm at the current stage of economic modernization. The improvement of regional economic management has revealed the dependence of the functions of local governments with the modern development needs and the factors that influence the outcome of the reforms in these areas. It also outlines rigorous rules and methods of pursuing regional policy in developed countries, and develops recommendations and recommendations for their effective use in the local context.

Keywords: regional economics, economic management, foreign management experience.

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

Саттаров Сайидмурод Абдушарипович¹

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
“Эл-юрт умиди” жамғармасининг ишлар бошқармаси бошлиғи
Ўзбекистон, 100047, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 13

E-mail: r.i.nurimbetov@bk.ru

Аннотация: Мақолада минтақавий иқтисодиётни бошқаришнинг илғор хорижий тажрибалари қиёсий тадқиқ этилган ва шу билан бир қаторда иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги босқичида республика минтақаларида, хусусан, Хоразм вилояти иқтисодиётини бошқаришни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилган. Минтақавий иқтисодиётни бошқаришни такомиллаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажарадиган функцияларнинг замонавий ривожланиш эҳтиёжларига қанчалик мос келишига боғлиқлик ҳолатлари ва ушбу йўналишлардаги ислохотлар натижаларига таъсир этувчи омиллар аниқланган. Шунингдек ривожланган мамлакатларда минтақавий сиёсатни юритишнинг қатъий қоидалари ва усуллари баён этилган ҳамда улардан маҳаллий шароитда самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: минтақа иқтисодиёти, иқтисодиётни бошқариш, бошқаришнинг хорижий тажрибалари.

Кириш

Жаҳонда глобаллашув ҳамда трансформациялашув жараёнлари кечаётган бир даврда кўпгина давлатларда бошқарувининг номарказлашуви, унинг минтақалашуви, ҳокимиятнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига берилиши кучайиб бормоқда.

Маълумки, ривожланган давлатларда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг уч тури – англосаксон, французча ва аралаш турлари ажратилади: биринчиси АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия ва Янги Зеландия учун хос бўлса, иккинчиси – Франция,

Италия, Испания, Бельгия ва бир қатор Лотин Амери-каси мамлакатлари учун, учинчиси эса – Германия ва Япония учун хосдир [1].

Англосаксон турида маҳаллий органларнинг кўпроқ мустақиллиги ва уларнинг марказга камроқ бўйсунуши кузатилса, французча турида – марказий ҳукуматнинг маҳаллий органлар устидан ривожланган назорат тизими, аралаш турида эса – ҳам унисининг, ҳам бунисининг уйғунлашуви кузатилади. Бунинг устига ҳар бир мамлакатда маҳаллий органларнинг катта миқдордаги хилма-хиллиги кузатилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг англосаксон тури Буюк Британияда пайдо бўлган. Унинг муҳим белгиси – сайлов органларига васийлик қилувчи ҳукуматнинг ваколатли вакиллари йўқлигидир. Бу ерда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг мамлакат графликлари ва округларга бўлинган икки бўғинли тизими мавжуд. Тизимнинг асосини графликлар ташкил этиб, уларга метрополия функцияларидан ташқари округларнинг маҳаллий сайлов органлари амалга оширишлари мумкин бўлган энг муҳим функциялар берилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодиётни бошқаришнинг назарий-услубий асосларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш, давлат ва минтақа иқтисодиётини бошқаришнинг назарий-услубий муаммоларини, бошқаришни такомиллаштириш масалаларини хорижий олимлардан У.Изард [2], В.М.Гохмана, Robert M.Solow. [3], Блауг М. [4], Р.Э.Лукас, Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. [5], А.Гранберг [6], А.Кисельников, В.Лексин, А.Швецов [7], Г.Ковалева, О.Красильников, Н.Ларина, А.Кисельников [8], Э.Уткин, А.Денисов [9], Б.Райзберг [10], А.Пикулькин [11] ва бошқалар тадқиқ этган.

Ўзбекистонда минтақавий иқтисодиётни ривожлантириш ва бошқаришнинг илмий-назарий, услубий ва амалий муаммолари, ҳудудий иқтисодиётни бошқаришнинг турли жиҳатлари ва хусусиятлари Қ.Абдурахманов [12], Т.Аҳмедов [13], Ш.Имомов [14], Ш.Зайнутдинов [15], Н.Йўлдошев [16], Д.Раҳимова [17], Д.Қосимова [18], А.Содиқов [19], А.Низомов [20], С.Қобулов [21] ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган. Мазкур диссертация объекти ҳисобланган Хоразм вилоятини ўз таркибига олувчи Қуйи Амударё иқтисодий ҳудудини комплекс ривожлантириш масалалари Б.Рўзметов [22], экологик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини шакллантириш муаммоларини эконометрик моделлаштириш масалалари Н.Аимбетов [23], минтақа иқтисодиёти ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари Р.Нуриимбетов [24] томонидан тадқиқ этилган.

Умуман, юқорида номлари зикр этилган олим ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотлари минтақавий иқтисодиётни бошқариш жараёнлари муаммоларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган бўлиб, минтақаларда иқтисодиётни бошқаришни ислоҳ қилишда юз бераётган жараёнларни тушуниб етиш учун муҳим назарий-услубий асос ҳисобланади.

Аммо, шу билан бир қаторда иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги босқичида республика минтақаларида, хусусан, Хоразм вилояти иқтисодиётини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш масалалари илмий ва амалий жиҳатдан ўзининг тўлиқ ечимини топгани йўқ. Шунга кўра, юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, мазкур ишда асосий эътибор иқтисодиётни

модернизациялаш шароитида минтақа иқтисодиётини бошқаришни ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганишга қаратилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш, янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг англосаксон тури қўлланиладиган АҚШ учун ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳада давлат функцияларининг юқори даражада номарказлашуви хосдир. Федератив тизим штатларга маълум иқтисодий мустақиллик ва кенг ваколатларни бериб, маҳаллий органлар ҳуқуқий жиҳатдан бевосита уларга бўйсунди. Ҳар бир штат ўз конституциясига эга бўлиб, уларда унинг давлат қурилиши ва маҳаллий органлар тузилишининг асосий тамойиллари ва шакллари мустақамланган-дир. Дунёнинг бошқа исталган мамлакатига қараганда АҚШда штатлар ва маҳаллий давлат бошқарувларининг функциялари тўлиқроқ бўлишига қара-масдан, ҳудудий табақаланиш ҳисобга олинади, чунки АҚШнинг иқтисодий ривожланиши географик жиҳатдан бир хилда эмасдир. Кўпинча фаровонлик билан динамик ривожланаётган минтақалар камбағал қолоқ минтақалар билан ёнма-ён жойлашиб қолади.

XX асрнинг 60-йилларидан АҚШнинг минтақавий сиёсати ижтимоий-иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишда ҳам федерал ҳукуматнинг, ҳам алоҳида штатларнинг мажбурий функцияси бўлиб қолди. Мазкур сиёсат нафақат минтақавий қарама-қаршиликларни бартараф қилиш билан, балки хўжалик тузилмасини ўзгартириш йўли ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш билан ҳам боғлиқдир.

XX асрнинг 70-йилларининг охирида федерал ҳукуматнинг минтақа-вий ривожланишга бўлган таъсири сезиларли равишда пасайган ҳолда, маҳаллий тартибга солишнинг роли анча ўсди (солиқ тизими, пул-кредит рағбатлантиришлари ва ҳ.к.).

АҚШда минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг асосий шакли турли хилдаги минтақавий мақсадли дастурлар ҳисобланади. Умумдавлат минтақа-вий дастурлари АҚШ нинг федерал қонунчилик ва ижроия ҳоқимиятлари даражасида кўриб чиқилади ва федерал бюджетдан молиялаштирилади. Бундай дастурлар бўйича энг муҳим қарорлар АҚШ конгресси томонидан қабул қилиниб, у минтақавий дастурларнинг бош мақсадларини, қисман дастурий тадбирлар йиғиндиси, федерал бюджетдан ажратмалар ажратиш-нинг максимал мумкин бўлган миқдори, шунингдек, дастурий тадбирларни ўтказиш юклатилган органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Даврий равишда конгресс амалга оширилаётган дастурларнинг бориши ҳақидаги ахборотлар билан танишиб боради.

Бир қатор бошқа давлатларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими худди Франциядагидек турга хос бўлиб, лекин тўлиқ унга ўхшамайди. Франциянинг энг йирик маъмурий бўлинмаси минтақа ҳисобланади. Минтақалар Франциянинг денгизорти ҳудудларида ҳам мавжуддир. Минтақаларнинг ташкил топиши амалда бўлган тор ва кичик маъмурий-ҳудудий бирликларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги тўсиқларни енгиб ўтиш заруратидан келиб чиққан эди. Бу бирликларнинг унча катта бўлмаган ўлчамлари табиий, иқтисодий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланишга ёрдам бера олмай қолди.

Италияда, масалан, уч бўғинли тизим – вилоятлар, провинциялар ва жамоалар амал қилади. Вилоятлар – бу мустақил масъулият ва функцияларга эга автоном тузилмалар бўлса, провинция ва жамоалар эса – давлат ва вилоятлар ҳудудий бўлиниши доирасидаги маҳаллий бошқарув бирликларидир. Одатда, вилоят ўз маъмурий функцияларининг бир қисмини провинция ва жамоаларга бўлиб бериб, шуларга мос равишда молиявий ресурсларни (ҳам вилоят, ҳам давлат ресурсларини) ҳам тақсимлаб беради.

Яқин вақтларгача Италия ресурсларни тақсимлаш юқори даражада марказлашган ва маъмурий назорат қилиниши даражаси баланд бўлган мамлакат эди. Марказий ва маҳаллий бюджетлар харажатларининг нисбати бу ерда 2:1 ни («катта еттилик» давлатлари орасида энг юқори кўрсаткич) ташкил этар эди [25].

XX аср 90-йилларининг янги қонунчилиги бошқарув функцияларини ҳудудий тақсимланиш тизимини ўзгартириб юборди. 1992-1999 йилларда муниципалитетлар, провинциялар ва туманларнинг солиқ автономияси ўрнатилиб, 1993 йилда эса муниципалитетлар ва провинциялар раҳбарларини, шунингдек, уларнинг мажоритар тизимдаги қонунчилик йиғинларини тўғридан-тўғри сайлаш тартиби жорий этилди. 2000 йилдан бошлаб тўғридан-тўғри умумий овоз бериш йўли билан туманлар бошлиқларини сайлаш тартиби ҳам амалга оширила бошланди. Натижада, давлат минтақавий сиёсатининг мақсад ва вазифаларини кенг кўламда қайта кўриб чиқиш учун ҳуқуқий асос яратилиб, унинг тамал тошини «Бассанини қонунлари» (1997-1998 й.й.) деб ном олган тадбирлар пакети қўйди.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг аралаш тури юқорида айтиб ўтилганидек, кўпроқ Германия ва Япония учун хосдир.

Германия федератив давлат сифатида ўзига хос мураккаб тизимни мужассамлаштирган. Ўз-ўзидан жой (ланд)лар ҳам, федерация ҳам ноҳаракатчан ҳисобланмайди. Давлатнинг моҳияти уларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаб беришдадир. Федерация ва ерлар ўртасидаги жипс алоқа гомогениликда (бир

турдалик) ўз ифодасини топган [26]. Германияда ҳудудий бошқарувнинг беш бўғини – **федерация, ерлар, округлар, туманлар ва туман, жамоа рангидаги шаҳарлар ажратиб кўрсатилади**. Коммунал бошқарувнинг базавий бирликлари жамоалар, туманлар ва шаҳарлар ҳисобланади. Коммунал тизимнинг қўйи бўғинлари ҳисобланувчи жамоалар ичида шаҳар ва қишлоқ жамоалари ажратилади, лекин уларнинг барчасида жамоанинг вакиллик органи бўлиб кенгашлар иштирок этади. Мамлакатда коммунал бошқарув тизимига талаблар унификациялаштирилмаган, индивидуал хусусиятларга эга бўлган кўплаб маҳаллий бошқарув органлари мавжуд. Мунципал маъмуриятларнинг сайлов ва ижроия органлари орасидаги функционал алоқаларининг маълум бир хусусиятлари билан характерланадиган бир неча турлари ажратилади.

Федерал ерлар, жамоалар ва уларнинг иттифоқлари (масалан, жамоат бирлашмалари, туман миқёсидаги шаҳарлар ва қишлоқ туманлари бирлашмалари, ландшафт бирлашмалари). Бироқ Германиянинг давлат тузилиши уч эмас, балки икки бўғинлидир, яъни ерлар ва федерал бўғинлардан иборатдир. Жамоалар ерларнинг ички бўлинишини тавсифлаб, уларга коммунал ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи кафолатланади.

Германия доимо бевосита воқеалардан узоқда жойлашадиган “стол ортида” қарор қабул қилишга мослашган йирик муассасалар шаклланишидан қочишга ҳаракат қилиб келган. Шунинг учун федерал ҳукумат унчалик кўп бўлмаган соҳаларда – ташқи алоқалар, федерал молиявий бошқарув, бундесвер фаолияти, федерал чегараларни қўриқлаш соҳаларидагина қонунга риоя қилинишини назорат қилади. Бевосита маъмурий масалаларни (мактабларни ривожлантириш, полиция билан таъминлаш, ерларни режалаштириш) ҳал қилиш ерларнинг тўлиқ ихтиёрида бўлади.

Давлат аппаратини қўллаб-қувватлаш ва унинг эксплуатацияси учун зарур маъмурий харажатлар мос ҳолдаги бўғиннинг зиммасига тушади. Шунга кўра, федерал аҳамиятидаги қонунчилик, бошқарув, ҳукумат ва суд институтлари учун кадрлар ҳамда канцелярия харажатларини федерация амалга ошириб, ерлар аҳамияти доирасидаги харажатларни – ҳар бир ернинг ўзи амалга оширади.

Барча солиқ қонунлари федерация томонидан қабул қилинади ва солиққа тортиш мамлакатнинг барча қисмларида деярли бир хил бўлиб, бу рақобатда тенгсизликнинг, мамлакат бир қисмидан иккинчи қисмига капиталнинг юқори солиқ тўловларидан қочиш мақсадида кўчиб юришининг олдини олади. Лекин бу ерларнинг молиявий манфаатларининг камситили-шини билдирмайди, чунки федерациянинг қонунчилик ваколатлари солиқлардан автоматик равишда фойдаланишни кўзда тутмайди. Аксинча, федерация ва ерлар давлат тушумларига бир хилда ҳуқуққа эгадирлар.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг аралаш усули хос бўлган Япониянинг охириги 160 йиллик тажрибаси ишонарли тарзда шуни кўрсатдики, мамлакат ривожланишининг ҳар бир, айниқса, унинг майдзичилиқдан ва иккинчи жаҳон урушидан кейинги ислохотлар давридаги қалтис нуқталарида маҳаллий ўз - ўзини бошқариш органларининг иқтисодий ҳуқуқлари ва ваколатлари, марказ ва жойлар иқтисодий функцияларининг нисбати билан боғлиқ муаммолар жуда сезиларли ўринни эгаллайди. Японияда маҳаллий бошқарув икки бўғинлидир: олий бўғин – префектура, иккинчи бўғин – шаҳарлар, қишлоқ шаҳарлари, қишлоқлардан иборат

[27]. Бу ерда маҳаллий ўз - ўзини бошқариш ҳақидаги Қонун амал қилиб, унда барча бўғинлардаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ички ташкил этилиши ҳамда ваколатлари ёритилиб, бу маълум даражада маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимининг эркинлигини чеклайди.

1950 йилда «Миллий ҳудудни мажмуавий ривожлантириш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши минтақавий иқтисодий сиёсат (МИС)га мақсадга йўналганлик, тизимий хусусиятни берди. Японияда 1956 йилдан буён қисқа ва узоқ муддатли умумдавлат дастурлари ҳамда режалари ишлаб чиқилиб, уларда муҳим ўрин минтақавий муаммоларни ҳал этишга берилган. Ва бу ерда асосий эътибор минтақаларни ривожлантиришнинг давлат режаларига қаратилиб, улар 1962 йилдан бошлаб 10 йил муддатга тузиб келинмоқда. Бундай режаларнинг мақсади қуйидагилардир: ишлаб чиқариш кучларининг минтақавий жойлаштирилиши; турли иқтисодий ҳудудлар ўртасидаги хўжалик номуносибликларини юмшатиш; экологик ҳолатни яхшилаш ва сақлаб қолиш. Япон тажрибасининг ўзига хос томони унинг минтақавий таркибининг кучайганлигидир. Минтақалар, шунингдек, аниқ ривожланиш дастурларини режалаштиришда ҳам катта мустақилликка эга бўлдилар.

Шу жумладан, иқтисодий соҳада ҳам маҳаллий бошқарув мақомининг ортиши, ҳар бир тарихий босқичда унинг ҳуқуқларининг кенгайтирилиши малакат ҳаётини реал демократлаштириш даражасининг индикатори бўлиб хизмат қилди. Худди шундай ҳолат 1990 йилларда кузатилган. Япония бошқа ривожланган давлатлар ва умуман жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий - иқтисодий ривожланишидаги асосий тенденциялар сўзсиз равишда минтақа-вий иқтисодий сиёсатнинг асослари ва кенг маънода маҳаллий ҳамжамиятлар роли ҳамда уларнинг хўжалик тузилмасидаги ўрнини қайта кўриб чиқишга олиб келади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ихтиёрида жуда муҳим ижтимоий соҳалар – тиббий суғурта, ижтимоий таъминот, маданият ва спорт каби соҳалар бўлади. Албатта, маҳаллий ҳокимиятлар ўз ҳудудларида тадбиркор-ликнинг ривожланишидан ўта манфаатдордирлар, шунинг учун уни қўллаб-қувватлаш улар фаолиятида сезиларли ўрин эгаллайди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари умуммиллий минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишда, шунингдек, минтақаларни жонлантириш бўйича дастурлар доирасида, ишлаб чиқаришни марказий ҳудудлардан чет ҳудудларга кўчириб ўтказишда катта роль ўйнамоқдалар. Шу билан бирга, марказий ҳукумат ва минтақаларнинг ўзаро алоқаларининг умумий тавсифини тўғри баҳолаш учун қуйидагиларни кўзда тутиш муҳимдир:

Биринчидан, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан кўпгина функциялар (масалан, таълим, жамоат хавфсизлигини таъминлаш каби) марказий ҳукуматнинг топшириғига кўра бажарилади. Улар бундай вазиятларда марказий идоралар ва вазирликларнинг сиёсатини амалга оширувчилар ҳисобланадилар ва улар олдида ҳисоб берадилар. Вазирликлар ҳақиқатда маъмурий раҳбарлик ҳуқуқига эга ва маҳаллий ҳокимиятларга буйруқлар ҳамда кўрсатмаларни жўнатадилар. Раҳбарлик, шунингдек, маҳаллий давлат хизматчиларини тайинлаш йўли билан «персонал» алоқаларни ўрнатиш орқали ва жойларга давлат хизматчиларини вақтинчалик хизмат сафарига жўнатиш ҳамда амакудари тизими орқали амалга оширилади.

Иккинчидан, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг жуда кўпчилик қисми тўлиқ молиявий мустақилликка эга эмаслар ва марказдан молиявий «қўйилмалар»га боғлиқ бўладилар.

Шу билан бир вақтда, марказ ва жойларнинг иқтисодий муносабатлари «бир томонлама кўча ҳаракати»га ўхшамайди. Гап шундаки, Принстон университетининг профессори Р.Дж. Самуэльснинг таъкидлашича, Японияда марказий ва маҳаллий ҳокимият орасидаги ўзаро алоқалар вертикали тизими ғарблик тадқиқотчилар орасида кўп учрайдиган тасаввурдагидек содда ва бир ёқлама эмасдир [28]. Унинг фикрича, Японияда турли йўналишдаги расмий ва норасмий, горизонтал ва вертикал алоқалар (масалан, ўз-ўзидан горизонтал алоқаларни мустаҳкамлаш ва бир вақтнинг ўзида ҳукумат сиёсатини амалга оширувчи бўлган маҳаллий ҳокимиятлар бошлиқларининг миллий ассоциациялари) биргаликда амалда бўлади. Маҳаллий бошқарув горизонтал компонентга эга бўлиб, у агар Японияни вертикал ташкил этилган жамият деб олинадиган бўлса, етарлича тўғри баҳоланмаслиги мумкин. Горизонтал алоқаларнинг катта қисми иқтисодий эҳтиёжларга жавоб тариқасида, масалан, қандайдир минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда ҳаракатларни бирлаштириш, жамоа ерларини бошқариш, маҳаллий ташаб-бусларни тарқатиш кабилар орқали амалга оширилади. 1994 йилги «Маҳаллий автономия ҳақида»ги Қонунга киритилган ўзгаришлардан бири - бу бир неча префектура ва шаҳарлар саъй-ҳаракатлари билан махсус муаммоларни ҳал қилиш учун тузиладиган бошқарув тизимига асосланадиган «койки рэнго»нинг ҳуқуқий тан олинишидир [29].

Лекин бунда энг муҳим муаммо - молиявий мустақиллик муаммосидир. Бюджет тизимини ташкил қилиш маҳаллий ҳокимият реал автономлиги даражасининг муҳим индикатори бўлиб қолади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий ҳолати ва марказий ҳокимият билан молиявий алоқалари маҳаллий автономия ҳақидаги қонунларда белгиланган. Молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг кўлами ва шакллари муҳим йўналишни намоён қилиб, бир вақтнинг ўзида минтақавий иқтисодий сиёсатнинг дастаги бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг японча тизимини кўпинча ўз-ўзини молиялаштириш даражасини кўзда тутган ҳолда «ўттиз фоизлик ўз-ўзини бошқариш» деб ҳам атайдилар. Ҳақиқатни тан олган ҳолда айтиш керакки, амалда кўпгина префектуралар ва йирик шаҳарларда бу кўрсаткич сезиларли даражада юқоридир. Бироқ муаммонинг моҳияти бу билан ўзгариб қолмайди ва молиявий ресурсларни тақсимлаш ҳуқуқи ҳукуматга салоҳият равишда маҳаллий ҳокимиятлар сиёсатига таъсир ўтказишнинг маълум усулидир.

Япон тажрибасини ўрганиш шу ҳақда маълумот берадики, минтақалар ривожланишига давлатнинг қўшимча аралашувининг зарурлигини шарт қилиб қўядиган сабаблар турлича бўлиши мумкин. Уларни умумий ҳолда қуйи-даги икки мақсадга бирлаштириш мумкин:

- барча минтақалар аҳолиси фаровонликка эришиши учун бир хил имкониятларга эга бўлишига замин ҳозирлайдиган иқтисодий фаолиятнинг адолатли жойлаштирилиши;

- умуммиллий фаровонликни ошириш мақсадида ҳар бир минтақанинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарли фойдаланиш.

Худуд ривожланишининг тизим сифатидаги тушунчаси умуман минтақа ўлчамларининг ижобий динамикасини кўзда тутиши керак. Чунки, минтақанинг ўзи янада каттароқ тизимнинг – республиканинг бир бўлаги ҳисобланади. Давлатнинг яхлитлиги даражасига унинг минтақалари, йирик макроиқтисодий ҳудудлари, ёқилғи - ишлаб чиқариш мажмуаларининг интеграцияси билан эришилади.

Масалан, Германияда янги шарқий ерларнинг тузилмасини қайта ўзгартириш ва уларнинг ғарбий ерлар билан иқтисодий интеграциялашуви-нинг тажрибаси, айниқса, диққатга сазовордир. Италияда Шимол ва Жануб ўртасида ижтимоий-иқтисодий фарқларнинг йўқ қилиниши сиёсати ўрнатилган бўладиган даражададир. Японияда саноат ишлаб чиқаришининг деконцент-рацияси, рекреацион ҳудудларнинг сақлаб қолиниши ва технополислар тизимининг яратилиши алоҳида эътиборни тортади. Испанияда марказ ва миллий автономиялар ўртасидаги низоларнинг ечилиши, Нидерландияда денгизнинг катта ҳудудларини қуриши ва уларни ўзлаштирилиши тажрибалари шубҳасиз, минтақавий муаммоларнинг ҳал этилишидаги эътиборли тажрибалардан ҳисобланади.

Собиқ социалистик республикалар нафақат ривожланган давлатлар билан, балки иқтисодий ривожланишнинг юқори кўламига эришган ва минтақавий кесимда ижтимоий-иқтисодий қайта тузилиш динамизмини сақлаб қолган ривожланаётган давлатлар билан ҳам минтақавий муаммолар бўйича кўпгина ўхшаш жиҳатларга эгадирлар. Биринчи навбатда бундай давлатлар қаторига Мексика, Хитой, Бразилия каби давлатлар киритилади. Манфаатлар йўлида ўрганиш учун алоҳида аҳамиятга эга бу мамлакатлар томонидан минтақаларни халқаро иқтисодий ҳамкорлик доирасига фаол тортилиши (Хитойдаги эркин иқтисодий ҳудудлар, Мексиканинг чегарабўйи ҳудудлари), янги минтақаларни иқтисодий ўзлаштириш (Бразилия), транспорт ва энергетика қурилиши (Бразилия ва Хитой), минтақалараро интеграцияни рағбатлантириш, саноатнинг (айниқса, кичик корхоналарнинг) қишлоқ жойларга силжитилиши ва бошқа шу кабиларни келтириш мумкин.

Таҳлилларга кўра, ЕИ, Жанубий-Шарқий Осиё, Шимолий Американинг айрим мамлакатларида банд аҳолининг умумий сонига нисбатан бошқарув персоналининг солиштира улуши 2 фоиздан 15 фоизгача, АҚШда 15, Швецияда 18, Буюк Британияда 14 фоиз, Германияда 6,7 фоиз, Японияда 3,2 фоиз, Жанубий Кореяда 2,3 фоиз атрофида тебранади. Мамлакатда олиб борилаётган умумий маъмурий ислохотлар доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ислох этиш муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади [30]:

- аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш;
- худуд иқтисодиётининг самарали ва изчил ўсишини таъминлаш;
- муассасалар қарамоғидаги ҳудудларнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароитлар ва манбаларни шакллантириш;
- таркибий, инвестицион ва илмий-техник сиёсатни амалга ошириш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажарадиган функцияларнинг замонавий ривожланиши эҳтиёж-ларига қанчалик мос келишига боғлиқ. Мазкур йўналишлардаги ислохот-ларнинг зарурлиги шунингдек, қуйидаги омилларга боғлиқ бўлиб, улар:

Биринчидан, маҳаллий давлат бошқарув органлари аввало, мамлакат ҳукумати томонидан ишлаб чиқиладиган давлат иқтисодий сиёсатини жойларда амалга

оширувчи сифатида намоён бўлади. Маҳаллий ҳоқимият институтлари жамиятнинг минтақавий ҳаёт фаолиятига марказда белги-ланган ғояларни, концепция ва дастурларни татбиқ қилишади. Маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолият самарадорлигини таҳлил этиш респуб-ликамизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг натижавийлиги-ни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, маҳаллий давлат бошқарув органлари ижтимоий, иқтисо-дий, сиёсий ва экологик ўлчовлардаги барқарор ривожланишни таъминловчи аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш институти бўлиб ҳисобланади. Шунга мувофиқ маҳаллий давлат ҳоқимият органлари фаолиятини ошириш-самарали минтақавий сиёсатнинг институционал омилидир.

Учинчидан, маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари фаолияти ўзида макроиқтисодий механизмда давлат бошқарув органларининг фаолият юритишидаги кўпгина номутаносибликларининг пайдо бўлишининг бирлаш-ган шаклида намоён бўлади. Макродаражада эски маъмурий-буйруқбозлик тизимдан сақланган иллатлар минтақавий бошқарув даражасида ҳам мавжуд. Шу сабабли, маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолиятидаги қалтис муаммоларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаб, олдини олиш учун макродаражада маъмурий-функционал ўзгартиришлар киритиш лозим.

Тўртинчидан, айнан маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари давлат, тадбиркорлик ва фуқаролик жамияти орасидаги воситачи сифатида намоён бўлади. Уларнинг вазифаларини такомиллаштириш “давлат-бизнес-фуқаро-лик жамияти” шерикчилигидаги маҳаллий ҳоқимиятнинг вакиллик ва ижро бўғинларини мувофиқлаштириш ролини оширишдаги воситачилиги самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Бунда ривожланган мамлакатларда минтақавий сиёсатни юритишнинг қуйидаги қатъий қоидалари ва усулларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- минтақавий сиёсат мамлакат барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожла-ниши миллий стратегиясининг таркибий қисми ҳисобланади;
- қолоқ ҳудудлар, саноат, транспорт, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг махсус минтақавий дастурлари мавжудлиги;
- у ёки бу минтақа барқарор ривожланишини таъминлайдиган махсус ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, ишлаб чиқариш механизмларини яратиш.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, таъкидлаш мумкинки, минтақавий ривожланишнинг жаҳон тажрибасини ўрганишдаги бош масала қандайдир мамлакатнинг тажрибаларидан тўғридан - тўғри нусха кўчириб қўя қолиш ёки уни олиб ўтиш имкониятларига таяниш мумкин эмас. Бу борада муваффақиятга фақатгина жаҳон тажрибасини синчиклаб ўрганиш ва улардан маҳаллий шароитларга кўпроқ мос келадиган жиҳатларини амалиётда қўллаш натижасида эришиш мумкин. Сабаби ривожланишнинг ягона модели бўлиши мумкин эмас, балки умумий тамойилларгина мавжуддир.

Жаҳон тажрибасини тадқиқ этсак, ривожланган мамлакатларда минтақавий сиёсатни юритишнинг қуйидаги қатъий қоидалари ва усулларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- минтақавий сиёсат мамлакат барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожла-ниши миллий стратегиясининг таркибий қисми ҳисобланади;
- қолоқ ҳудудлар, саноат, транспорт, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг махсус минтақавий дастурлари мавжудлиги;
- у ёки бу минтақа барқарор ривожланишини таъминлайдиган махсус ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, ишлаб чиқариш механизмларини яратиш.

References

1. Pavlov K. Sistema mestnogo upravleniya v regionax Rossii i opiyt razvitiyx stran. // Problemiy teorii i praktika upravleniya № 5. 1999 s.81.
2. Izard, Uolter. Metodiy regionalnogo analiza: vvedenie v nauku o regionax / Sokr. per. s angl. V.M.Goxmana [i dr.]; Vstup. statya i red. A. E. Probsta. - Moskva: Progress, 1966. - 659 s.;
3. Robert M. Solow. A Contribution to the Theory of Economic Growth. The Quarterly Journal of Economics, Vol. 70, No. 1. (Feb., 1956), pp. 65-94.;
4. Blaug M. Lukas Robert-mladshiy // 100 velikix ekonomistov posle Keynsa = Great Economists since Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — SPb.: Ekonomikus, 2009. — S. 162-164. — 384 s. — (Biblioteka «Ekonomicheskoy shkoliy», вып. 42). — 1 500 ekz. — ISBN 978-5-903816-03-3.;
5. Meskon M., Альберт M., Хедouri F. Osnoviy menedjmenta. M.: Delo, 1997. — 704 s.;
6. Granberg A.G. Osnoviy regionalnoy ekonomiki. - M.: GU VSHE, 2003. - 495.;
7. Leksin V.N., SHvetsov A.N. Gosudarstvo i regioniy. Teoriya i praktika gosudarstvennogo regulirovaniya territorialnogo razvitiya. - M.: URSS, 2002.-368 s.;
8. Larina N.I., Kiselnikov A.A. Regionalnaya politika v stranax riynochnoy ekonomiki. - M.: «Ekonomika», 1998. - 174 s.;
9. Utkin E.A., Denisov A.F. Gosudarstvennoe i munitsipalnoe upravlenie. - M.: Assotsiatsiya avtorov i izdateley «Tandem». Izdatelstvo «EKMOS», 2001. - 304 s.;
10. Rayzberg B.A. Kurs upravleniya ekonomikoy. - SPb.: Piter, 2003. - s.568.;
11. Pikulьkin A.V. Sistema gosudarstvennogo upravleniya: uchebnik. - M.: YUNITI, 1997. - 352 s.
12. Abduraxmanov K.X. i dr. «Regionalnaya ekonomika i upravlenie». Uchebnik. / pod. red. akad. S.S.Gulyamova. -T.: «Fan va texnologiya», 2007. - 750 s.;
13. Axmedov T.M. Regulirovanie territorialnoy organizatsii proizvoditelnyx sil i kompleksnogo razvitiya regionov Uzbekistana. - T.: Fan, 1992. - 224 s.;
14. Imamov SH.B. Regulirovanie territorialnogo razvitiya ekonomiki. - T., 1993. - 45 s.;
15. Zaynutdinov SH.N. va boshq. Menejment asoslari. – T.: «Moliya», 2001.;
16. Yo’ldoshev N.Q. va boshq. Strategik menejment. - T.: TDIU, 2003. - 102 b.;
17. Rahimova D.N. va boshq. Zamonaviy menejment: nazariya va amaliyot. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi DJQA. - T.: G’afur G’ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2009. - 792-b.;
18. Qosimova D.S. Boshqaruv nazariyasi. - T.: «Aloqachi», 2009. - 234 b.;
19. Sadikov A.M. Osnoviy regionalnogo razvitiya: teoriya, metodologiya, praktika. – T.: Iqtisod-moliya, 2005. - 280s.;

20. Nizamov A.B. Ekonomicheskiy rost i upravlenie regionalnoy ekonomikoy v usloviyax riynka. -T.: Turon-Iqbol, 2006. -208s.;
21. Kabulov S. Organizatsionno-ekonomicheskiy mexanizm upravleniya ekonomikoy regiona v usloviyax riynka. I.f.n. darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. - T.: DJQA, 1999.
22. Ruzmetov B. Kompleksnoe razvitie regiona v usloviyax uglubleniya ekonomicheskix reform (na primere Xorezmskoy oblasti). Avtoref. dis. ... dokt. ekon. nauk. - T., 1998.;
23. Aimbetov N.K. Murakkab ekologik vaziyat sharoitida iqtisodiy va ijtimoiy jarayonlarni modellashtirish (Qorqalpog‘iston Respublikasi misolida). Iqt. fan. dok. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss. avtoref. - T., TDIU, 2000. - 284 b.;
24. Nurimbetov R. Mintaqa iqtisodiyoti tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish (Qoraqalpog‘iston Respublikasi misolida). Iqt.fan.dok.diss. - T.: TDIU, 2009. - 325 b.
25. Avilova A. Reforma sistemiy regionalnogo upravleniya v Italii // Problemy teorii i praktiki upravleniya 2002. №6 s.53.
26. Koshechkin SH. FRG: vzaimodeystvie federatsii i zemel // Problemy teorii i praktika upravleniya 2001. №2. s.93.
27. Istoriya Yaponii. T. 2. M., 1998, s. 44-46.
28. R. J. Samuels. The Politics of Regional Policy in Japan: Localities Incorporated? N. Y., 1983, p.41-43, 56-58 81-82.
29. X. Taniyama. Nixon dzaysey-no kaykaku (Reforma finansovoy sistema Yaponii). Tokio, 1998, s. 296-298.
30. Abaturov V. na osnove doklada (avtoriy doklada: X.Muradova, V Bronshteyn, O.Namozov, SH.Nazarov, X.Sadikov, B.Ergashev, SH.Fayzullaeva, M.Nasirova) Administrativnaya reforma na mestax. / Ekonomicheskoe obozrenie. 2005 №8 s.5-7.